



Маҳобатли ва кўркем бинолар пойтахтимиз кўркидир

Мамлакатимизда сайёҳлик хизматини кўрсатишда туризм, реклама ва маркетинг текширувлар ўтказиш агентлиги ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

НАМУНАЛИ САЙЁҲЛИК ХИЗМАТИ

«Утемирийўлловчи» акциядорлик жамиятига қарашли бу агентлик дунёнинг бир қатор етакчи туристик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатиб, муайян қатнов йўналишларини йўлга қўйди.

Хорижлик сайёҳлар учун қўлайлик яратиш мақсадида жамият веб-сайти орқали маълумотларни оммалаштириш тadbирлари кўрилди. Сайёҳлар дунёнинг турли бурчакларидан ўлкамиз темир йўл тизими, поездларнинг қатнов жадвали, ҳужжатларни расмийлаштириш тартибига оид ахборотларга эга бўлиши мумкин.

Жорий йил иккинчи чорагининг ўзида агентлик сайёҳаракати билан беш мингга яқин хорижий сайёҳга хизмат кўрсатилди.

Ақбар АЛИЕВ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ушбу тadbирда соҳа мутахассислари, Ўзбекистон Миллий университети ва А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида архившунослик йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги муассасалар ташаббуси билан уюштирилган ушбу тadbирда мустақиллик йилларида архив соҳасида амалга оширилган ислохотлар, бу борада қабул қилин-

АРХИВДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Тошкент шаҳар давлат архивда «Архивлар – тарих кўзгусидир» шиори остида очик эшиклар куни ўтказилди.

ган қонуний-меъёрий ҳужжатлар моҳияти ҳақида сўз борди. Тошкент шаҳар давлат архивда 1917 йилдан буён 500 минг сақлов бирлигидан зиёд Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, талабаларнинг соҳага доир билимини синовдан ўтказиш мақсадида блич-сўров ташкил қилинди. Айтиш жоиз-

ки, Тошкент шаҳар давлат архивда хизмат кўрсатиб келаётган мутахассисларнинг ақсари яна илҳомдан иборат. Улар архивда замонавий ахборот-технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ҳужжатларнинг сифатли сақловини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келтириш, махсус электрон кидирув базаларини

яратиш, интернет орқали фуқаро ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам ёшлар фаоллик кўрсатмоқда.

Тadbир доирасида ўтказилган архив ҳужжатлари кўргазмаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, архив ҳужжатхоналари бўйлаб экскурсия ҳам уюштирилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ЁШ ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидаги «Sunrise Open – 2010» халқаро турнирида спортчиларимиз бош соврин учун курашмоқда.

Жуфтлик беллашуварларида биринчи рақамли дуэтни ташкил қилган ҳамюртларимиз – Аҳмад Жамол Мухаммад ва Азиз Йўлдошев россиялик Александр Минасян ва қирғизистонлик Илья Се-

мёновни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финалга чиқди. Шунингдек, Бобур Комилжонов россиялик Кирилл Трибшок билан бирга мезбон теннисчилардан Евгений Бабақ ва Карим Имомхўжа-

евни 6:1, 7:6 ҳисобида енгган бўлса, Шерзод Акрамов ва Шухрат Гизатуллин ўзбекистонлик Алан Гаджиев ва грузиялик Давид Хубуя устидан 6:2, 6:3 ҳисобида зафар кўчди.

«Sunrise Open – 2010» халқаро турнирининг қизлар ўртасидаги баҳсларида ўзбекистонлик Арина Фольц қирғизистонлик теннисчилар – Алёна Панфиловани 6:2, 6:1, Жамила Душевани 6:2, 6:4, Нелли Буюклияновани 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иқтидорли спортчимиз финалга чиқиш учун россиялик Анастасия Токарева билан беллашади.

Пойтахтимизда навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, болалар ўртасида спортни янада оммавийлаштириш, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган шахмат фестивали қизгин паллага кирди.

КИЧКИНТОЙЛАР ДОНА СУРГАНДА

Ун икки ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги шахмат беллашуварларида эллик нафардан зиёд ўқувчи уч гуруҳда куч синашмоқда. «А» гуруҳида Ўзбекистон чемпиони Ортик Неъматов ва Шаварш Бадалян етакчилиги қилмоқда. Бунгача учтадан учрашувда зафар кўчган О.Неъматов тўртинчи партиядо Арам Каспаровни мағлуб этган бўлса, Ш.Бадалян Одил Раҳмондан устун келди. Тўрттадан очко тўплаган пе-

шқадамлар бешинчи турда ўзаро ўйнади. Олтмиш нафардан зиёд шахматчидан иборат «В» гуруҳида Жаҳонгир Турсунов биринчи ўринда бормоқда. Умидли спортчи тўртта партиядо Қахрамон Икромов, Мухаммад Жиянов, Нодирбек Абдусатторов ва Ролан Ладмандан устун келди. Шунингдек, ҳали очко йўқотмаган Алишер Мамаризаев ва Отабек Солиев ҳам биринчи ўринга даъвогарлик қилмоқда. Болалар шахмат фестивалининг «С» гуруҳида дона сураётганлар орасида Дилбар Ҳамроевнинг ўйини мухлисларга манзур бўлмоқда. У кетма-кет уч учрашувда Дмитрий Игонин, Малик Хайбуллаев ва Доинёр Мухаммедовни енгди. Бу гуруҳда учтадан очко тўплаган Акмал Раҳимов, Тоир Вахпиев, Амир Хошимов ва Жамол Шавдиров ҳам совринли ўринлар учун курашмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА муҳбири

ИСТОМИННИНГ ЛОНДОНДАГИ ГАЛАБАЛАРИ

Лондонда дунёнинг энг кучли теннисчилари иштирокида ўтказилаётган Профессионал теннисчилар уюшмаси мусобақалари тақвимида кирувчи «AEGON Championships - 2010» халқаро турнирида ўзбекистонлик Денис Истомин галабали одимларини давом эттирмоқда.

Яккаликлар ўртасидаги баҳсларнинг биринчи босқичида мезбонлар вакили Жейми Бекерни 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртимиз кейинги даврада ямайкалик Дастин Браун билан куч синашди. Учрашувда 7:6, 6:4 ҳисобида зафар кўчган Денис навбатдаги беллашувда жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Рафаэль Надалга (Испания) қарши кўрта чиқади. Нуфузли мусобақанинг

жуфтликлар беллашувида қозогистонлик Андрей Голубев билан ҳамкорликда ўйнаётган Денис Истомин чорак финалга йўлланма олди. Мазкур жуфтлик дастлаб америкалик Эрик Буторак ва Ражив Рамни 6:4, 6:7, 10:7 ҳисобида мағлуб этган бўлса, чорак финалда учинчи рақамда сараланган дуэт - австралиялик Пол Ханлей ва шведиялик Саймон Аспелиндан 6:1, 7:6 ҳисобида устун келди.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
5617 нускада босилади.
Қоғоз бичими А-2



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ИККИЛИКЛАР

Амал қўлга осон кирибди,
Бил даврангга нодон
кирибди.

Қор устида қишнинг қафаси,
Қор остида баҳор нафаси.

Табиатнинг султони қуёш,
Тирикликнинг имкони қуёш.

Қор дунёни поклашга ёғар,
Ҳақиқатни оқлашга ёғар.

Умиди узилмай яшаса одам,
Корига йўл берур
яратган Эгам.

Болалик боғида
хазон кўрмайсан,
Одамнинг қадрини
арзон кўрмайсан.

Эҳсон олган учун
самовий ризқдир,
Худодан аълороқ
меҳрибон йўқдир.

Юксакка зиналар билан
чиқилгай,
Ким айтар гиналар билан
чиқилгай.

Бир хато кўзимиз
очолса агар,
Хато қилмас эдик то
рўзи маҳшар.

Ўқидим, уққунча ўзни
билмадим,
Ўқигач, нодонни кўзга
илмадим.

Бахтни бозорларда
ботмонлаб сотмас,
Бахтсизнинг уйида тонг
осон отмас.

Ёлбориб яшаган юзин
йўқотгай,
Ўйламай ошаган
тузин йўқотгай.

Кўзгуни синдирсанг
кўзинг толади,
Ёмон-ла юзлашсанг
юзинг толади.

Кўнгил қононаси дўст
билан обод,
Вале ёмон бўлса дўст
билан барбод.
(Давоми бор)

(Газетанинг навбатдаги сони 15 июнда чиқади).